



2020 у.г. «02» март № 140-к

Жомбой т., – г. Джамбай

**Жомбой тумани Улуғбек массиви  
худудидан “Uzagrologistics Centers”  
МЧЖга “Агрологистика маркази”  
бино-иншоотлари қурилиши учун  
доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан  
ер участкаси ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4406-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 февралдаги 01/036-88 сонли хатини, Жомбой туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасини ва ушбу масала билан боғлиқ бўлган ер тузиш ҳужжатларини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан:

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Жомбой туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Жомбой тумани Улуғбек массивидаги, қишлоқ хўжалиги харитасининг 190, 204, 209-контурида жойлашган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган, боннитети 67,5 балл бўлган 19,2 гектар ер майдони “Uzagrologistics Centers” МЧЖга “Агрологистика маркази” бино-иншоотлари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман, Лабзак кўчаси 1-А уйда жойлашган “Uzagrologistics Centers” МЧЖ директори в.в.б М.Файзуллаев зиммасига қуйидагилар юклатилсин.

– қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳалар асосида амалга ошириш учун ўрнатилган тартибда АРТ ва лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлатиш:

- мавжуд бўлган холларда электр тармоқлари, бетон арик, газ қувурларини тегишли ташкилотлар билан келишилган холда кўчириб бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан 20204578 (йигирма миллиард икки юз тўрт миллион беш юз етмиш саккиз) сўм қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилиши нобутгарчилигининг зарар миқдорини тўлаб бериш шарти билан “Uzagrologistics Centers” МЧЖга ишлаб чиқарилиши нобутгарчилигининг зарар миқдорини вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси топширилсин.

5. Ажратилган ер майдонидан 2 (икки) йил муддат ичида белгиланган мақсадда фойдаланилмаса Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (И.Рашидов)га қурилиш ишларини шаҳарсозлик қоидалари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

7. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Каримов)га мазкур қарор тасдиқлангандан кейин туман йиллик ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

8. Мазкур қарорни тасдиқлаш Самарқанд вилояти ҳокимидан сўралсин.

9. Ушбу ажратилаётган ер майдони бўйича вилоят қурилиш бошқармаси ҳузуридаги “Архитектура-шаҳарсозлик Кенгаши”нинг ижобий ҳулосаси олингандан ва қишлоқ хўжалиги нобутгарчилиги бўйича ҳисобланган 20204578 (йигирма миллиард икки юз тўрт миллион беш юз етмиш саккиз) сўм зарар миқдори тўлангандан ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан кейин ушбу қарор кучга кириши белгилаб қўйилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари М.Исмоилов ва А.Облақулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ҳ.Туйчиев